

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Son 4. Jild 4.

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 4 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Qurbonov Murodjon Dehqonboy o'g'li</i> "KASHKULI SALIMIY" ASARIDA USMONIY HUKMDORLAR TARIXINING YORITILISHI.....	12-17
<i>Ismoilova Diyoraoy Xursandjon qizi</i> AMIR NASRULLOH DIPLOMATIYASI	18-23
<i>Tursunov Farrux Fulomovich</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТОЖИКЛАРГА ХОС УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР	24-28
<i>Usmonaliyev Isroiljon Ibrohimjon o'g'li</i> FARG'ONA VODIYSIDA "O'ZBEK" ETNONIMINING TARQALISHI	29-34
<i>Djurayev Ikrom Nematovich</i> YEVIROOSIYO CHORVADOR QABILALARINING FARG'ONA VODIYSIGA KIRIB KELISHI.....	35-40
<i>Esanova Nilufar Pulatovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA YENGIL SANOAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLAR	41-46
<i>Abduraхимова Сабоҳат Эргаш қизи</i> БУХОРО АМРЛИГИ ДАВРИДА ЧИРОҚЧИ ТУМАНИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИ	47-53
<i>Toshturov Shuxrat</i> MUSTAQILLIKKACHA BO'LGAN DAVRDA NAVOIY VILOYATI SANOAT KORXONALARINING EKOLOGIK MUHITGA TA'SIRI	54-60
<i>Kanimkulov Olimjon Sheraliyevich</i> AKADEMIK YAHYO G'ULOMOV FAOLIYATI HAQIDA QAYDLAR ("XORAZMNING SUG'ORILISH TARIXI" ASARI MISOLIDA).....	61-65
<i>Begniyazova Gozzal Allambergenovna</i> QORAQALPOQ XALQ ERTAKLARINING YIG'ILISHI VA NASHR QILINISHI.....	66-70

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Султонов Баходир Файзуллаевич, Тураева Гулизахро Каххоровна, Норбўтаев Бахтиёр Абдурахимович</i> СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ХОСИЛДОРЛИГИНИНГ 2024-2027 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ.....	71-78
<i>Abdiganieva Zarapshan Salievna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA AHOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI	79-85
<i>Otaxonova Odinaxon Inomovna</i> QORAMOLCHILIK MAHSULOTLARI IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA OZUQA BAZASINI YAXSHILASHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI	86-94
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ	95-99
<i>Хушмурадов Оман Намозович</i> СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	100-110

<i>Saitkamolov Muxammadxo'ja Sobirxo'ja o'g'li, Karabayev Rustam Zafarovich</i> BULUTLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BIZNES JARAYONLARNI TASHKIL ETISH YO'LLARI	111-125
<i>Фаттахова Муниса Абдухамитовна</i> ПОНЯТИЕ И ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ КРЕДИТНЫМ ПОРТФЕЛЕМ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ	126-133
<i>Isayev Jahongir Muzaffarovich</i> SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TIZIMINI TA'MINLASH IQTISODIY МЕХАНИЗМНИНГ АСОСИЙ YO'NALISHI SIFATIDA	134-140
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Tilavova Umida Qahramonovna</i> RAQAMLI JAMIYATLAR TIZIMIDA INFORMATSION ETIKA KATEGORIYA VA ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АНАМИЯТИ	141-147
<i>Yulchiyev Avazbek Maxamadjonovich</i> IJTIMOIY TEXNOLOGIYALAR HAQIDAGI G'OYALARNING SHAKLLANISH EVOLYUTSIYASI	148-154
<i>Каримова Гулчеҳра Абдукаримовна</i> ДУНЁ ДИНЛАРИ ВА ТАЪЛИМОТЛАРДА ОТАЛИКНИ ТУШУНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	155-163
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ISLOM FALSAFASIDA DALILLASH VA VAHS YURITISH USULI ZAMONAVIY ARGUMENTLASH NAZARIYASI TALQINIDA	164-168
<i>Muminov Nozim Naimovich</i> THE PHENOMENOLOGICAL APPROACH IS THE KEY TO UNDERSTANDING THE SPREAD AND TRANSFORMATION OF SUFISM IN THE WEST	169-175
<i>Турсунов Мухиддин Болтаевич</i> СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ	176-180
<i>Mamarasulov Ulug'bek Umirzoqovich</i> SPORT TURLARINING FALSAFIY-ESTETIK TANLILI	181-184
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Исанова Феруза Тулқиновна</i> ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	185-191
<i>Петрухина Наталья Михайловна</i> КОРАНИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСТВЕ А.С.ПУШКИНА И ЕГО СОВРЕМЕННИКОВ	192-197
<i>Исаров Оман Рисалиевич</i> ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ТАКСИС КОНВЕРБИАЛ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ	198-205
<i>Родина Ирина Витальевна</i> АНТИНОМИЧЕСКАЯ ПАРА «МЕСТЬ» И «ПРОЩЕНИЕ» В ПОВЕСТИ-СКАЗКЕ Л. БОРОДИНА «ГОД ЧУДА И ПЕЧАЛИ»	206-211
<i>Ataeva Gulchekhra Bakhtiyorovna</i> THE ROLE OF IDIOMS IN ENHANCING BUSINESS COMMUNICATION: A STUDY ON THE USAGE OF IDIOMS IN BUSINESS LETTERS	212-220

<i>Erkinova Marxobo</i> ASSOTSIATIV MAYDON HOSIL QILISHDA LINGVISTIK OMILLARNING O'RNI	221-229
<i>Gulyamova Shahzoda Baxtiyor qizi</i> O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI MATNLARNING SINTAKTIK STRUKTURASI VA PRAGMATIK XOSLANISHI	230-234
<i>Batyrkhanova Madina Oybekovna</i> THE SOMATIC CULTURAL CODES IN THE STUDY OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK PHRASEOLOGISMS	235-244
<i>Aslonov Shahram Sherzod ugli, Saidova Marjona Abdimutal qizi</i> PECULIARITIES OF TRANSLATION OF POLITICAL TEXTS IN SIMULTANEOUS INTERPRETATION	245-250
<i>Olimova Dilafruzxon Baxtiyorjon qizi</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA SUBYEKTIV VAHONING IFODALANISHI	251-254
<i>Bobojonov Dilshod Jumaqul o'g'li</i> INGLIZ VA O'ZBEK GAZETA SARLAVHALARIDA PUBLISISTIK USLUB BELGILARINING NAMOYON BO'LISHI	255-260
<i>Абдуллаева Нилуфар Рамазоновна, Шаймарданова Мухлиса Усмановна</i> СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА "РАСТЕНИЕ" В СОПОСТАВЛЯЕМЫХ ЯЗЫКАХ	261-266
<i>Хайруллоева Сitora Lutfulloevna</i> PSYCHOLOGICAL NOVELS OF US AND THE DEVELOPMENT OF PSYCHOLOGISMS	267-272
<i>Qudratova Muxiba Kamolovna</i> "LYUIS KERROLLNING ALISA MO' JIZALAR MAMLAKATIDA ASARIDAGI HAYVON OBRAZLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI"	273-279
<i>Убоженко Анна Станиславовна</i> ОСОБЕННОСТИ ТЮРКСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЙ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ	280-285
<i>Тухтаева Наргисхон Исамутдиновна</i> ОТРАЖЕНИЕ ДУХОВНОГО УПАДКА ОБЩЕСТВА И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ	286-292
<i>Gulnora Xolmurodova Sattorovna, Bo'ronova Mekkamtosh Xoliqulovna</i> INGLIZ VA O'ZBEK LISONIY MANZARASIDA MAQOLLARNING O'RNI	293-297
<i>Алибаева Лола Намазовна</i> ЖЕНСКИЕ ОБРАЗЫ В РАССКАЗАХ Л. ПЕТРУШЕВСКОЙ	298-303
<i>Eshqurbonova Aziza Bozor qizi</i> DIALOGIK NUTQDA SAVOLLARNING IFODALANISHI	304-308
<i>Norova Rahima Fayzulloevna</i> O'ZBEK VA INGLIZ ADABIY ERTAKCHILIGIDAGI SEHRLI VOSITALARNING QO'LLANISHIDA O'XSHASH JIHATLAR	309-316
<i>Egamberdiyeva Iroda Abdurahimovna</i> TRANSLATIONS OF HISTORICAL WORKS INTO ENGLISH	317-323
<i>Axmedova Adolat Ravshan qizi</i> GASTRANOMIYA TUSHUNCHASI HAMDA GASTRANOMIK REKLAMA MATNLARI	324-330

<i>Asqarova Madina Boymurod qizi</i> KORPUS LINGVISTIKASIDA MATN ANNOTATSIYASINING LINGVISTIK MUAMMOLARI	331-334
--	---------

<i>Калниязов Есемурат Шамшетович</i> ГОСТЕВОЙ ЭТИКЕТ И СИСТЕМА ЦЕННОСТЕЙ	335-342
---	---------

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Bahodir To'raev</i> HUQUQIY MADANIYAT VA HUQUQIY TARBIYANING DEMOKRATIK DAVLAT RIVOJLANISHIDAGI ROLI	343-351
---	---------

<i>Турсоатов Содиқ</i> РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ	352-357
--	---------

<i>Хидиров Фурқат Шукуруллаевич</i> МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ	358-363
---	---------

<i>Рахимбаев Уткир Файзуллаевич</i> ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ ИНФРАСТРУКТУРЫ И СЕРВИСА ДЛЯ ТУРИСТОВ	364-372
---	---------

<i>Турсынбаев Азизбек Халмурзаевич</i> МЕЖВЕДОМСТВЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ КАК СПОСОБ РЕАЛИЗАЦИИ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ	373-377
--	---------

<i>Yakubov Abduraxmon Turayevich</i> ТА'ЛИМ HUQUQINING HUQUQIY SAVODXONLIKNI AMALGA OSHIRISHDAGI O'RNI	378-382
---	---------

<i>Rasulov Salimbek Baxtiyor o'gli</i> YEVROPA KENGASHINING KORRUPSIYA UCHUN JINOIY JAVOBGARLIK BO'YICHA KONVENSIYASI – KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING ZAMONAVIY XALQARO HUQUQIY ASOSLARIDAN BIRI SIFATIDA	383-387
---	---------

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Хайров Расим Золимхон угли</i> АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА	388-395
--	---------

<i>To'rayev Panji To'xtayevich</i> OLIY TA'LIM MUASSASASIDA KURASHCHILARNI PSIXOLOGIK JIHATDAN TAYYORLASH	396-400
---	---------

<i>Xushnazarova Ma'mura Nodirovna</i> TALABALARNI KASBIY-PEDAGOGIK FAOLIYATGA TAYYORLASHDA IJTIMOIIY FAOLLIKNING AHAMIYATI	401-406
--	---------

<i>Yuldasheva Sayyora Aliaskarovna</i> TA'LIM TIZIMIDA INGLIZ TILINI INTEGRATSION O'QITISH	407-411
---	---------

<i>Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich</i> SPORT MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA PEDAGOGIK NAZORATNING AHAMIYATI	412-418
---	---------

<i>Абдувахобов Искандер, Гизатулина Ольга Ивановна</i> ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В СМЕШАННЫХ СРЕДАХ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ВУЗА	419-426
<i>Назарова Озода Шавкатовна</i> СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ	427-432
<i>Pirnazarova Sevara Doniyor qizi</i> OLIQ O'QUV YURLARIDA XORIJIY TILNI O'QITISHDA O'YIN USULLARINI QO'LLASH	433-438
<i>Ko'ziyeva Gulnoza Maxamadaliyevna</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING PEDAGOGIK SALOHİYATINI OSHIRISH METODIKASI	439-444
<i>Умирзокова Сурайё</i> ТАЛАБАЛАРИНИНГ КИНЕТИК ИНТЕЛЛЕКТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ	445-451
<i>Olimova Nigora</i> MUVAFFAQIYATLI O'RGANISHDA SINFINI BOSHQARISH KO'NIKALARINING AHAMIYATI	452-463
<i>Nabiyeva Firuza Odil qizi</i> “ELEKTROMAGNETIZM” BO'LIMINI O'QITISHDA AMALIY MASHG'ULOTLARNING AHAMIYATI	464-471
<i>Sobirova Oygul Alimovna</i> BO'LAK MUSIQA O'QITUVCHILARIDA METODIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD HOLATINI TAHLILYI VAHOLASH	472-479
<i>Shermatov G'ulom Kaxxorovich</i> IMPROVING THE TECHNIQUE OF BADMINTON SPORTS TRAINING	480-486
<i>Shamirzayeva Zarifa Xudoyorovna</i> TALABALARDA KASBIY KO'NIKALARNI SHAKLLANISHIDA MIKROTA'LIM O'QITISH TEKNOLOGIYASINING SAMARALI JIHLTLARI	487-492
<i>Ziyadullayeva Dilafruz Xudayberdiyevna</i> O'SMIRLARDA YETAKCHILIK XUSUSIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETINSIYAVIY FAOLIYATNING PEDAGOGIK ASOSLARI	493-498
<i>Muydinov Firuzjon Farxodjonovich</i> TIBBIY TA'LIM TALABALARIDA MEDIAKOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI	499-505
<i>Egamberdiyeva Feruza Abdimannonovna</i> MULTIMEDIA TEKNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN DASTURIY TA'MINOTNI LOYIHALASH	506-510
<i>Худойбердиева Дурдона Баходир қизи</i> ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ В РАБОТЕ С ОДАРЕННЫМИ ДЕТЬМИ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА	511-516
<i>Курбонов Дониёрбек Кахрамонович</i> ОБУЧЕНИЕ ПОЭЗИИ С ПРИМЕНЕНИЕМ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ	517-524

Shamsiddinov G'iyos Xusniddin o'g'li, Jurayeva Feruza Baxtiyor qizi

IQTISODIYOT YO'NALISHI TALABALARIGA EKONOMETRIKA FANINI O'TISHNING

INTERAKTIV USULLARI 525-532

Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ 533-539

Турсоатов Содиқ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти мустақил изланувчиси

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқий сиёсат тушунчаси, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатнинг унда тутган ўрни, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсат тушунчаси, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсат борасида олимлар, тадқиқотчиларнинг фикрлари, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатнинг белгилари, унга таъсир қилувчи омиллар, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатнинг моҳияти ва мазмуни, мажбурлаш ва рағбатлантиришнинг жамият ва инсонларга таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий воситалар сифатидаги белгилари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Ҳуқуқий сиёсат тушунчаси, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсат, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатнинг белгилари, рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатнинг мазмун-моҳияти, мажбурлаш, рағбатлантириш, мукофот, ҳуқуқий воситалар.

Tursoatov Sodik

Applicant of the Institute of State and Law of the
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

THE CONCEPT AND CONTENT OF INCENTIVE LEGAL POLICY ANNOTATION

Abstract. The article analyzes the concept of legal policy, the role of incentive legal policy in the system of legal policy, the concept, signs, essence of incentive legal policy, the opinions of scientists and researchers about incentive legal policy, factors influencing incentive legal policy, coercion and encouragement as a means of influencing society, of people.

Keywords: The concept of legal policy, incentive legal policy, signs of incentive legal policy, the essence of incentive legal policy, coercion, incentives, remuneration, legal instruments.

Турсоатов Садик

Соискатель института Государства и права
Академии Наук Республики Узбекистан

ПОНЯТИЕ И СОДЕРЖАНИЕ ПОощРИТЕЛЬНОЙ ПРАВОВОЙ ПОЛИТИКИ

Аннотация. В статье анализируется понятие правовой политики, роль поощрительной правовой политики в системе правовой политики, понятие, признаки, сущность поощрительной правовой политики, мнения ученых и исследователей о поощрительной правовой политики, факторы, влияющие на поощрительной правовой политики, принуждения и поощрения как средство воздействия на общество, людей.

Ключевые слова: Понятие правовой политики, поощрительная правовая политика, признаки поощрительной правовой политики, сущность поощрительной правовой политики, принуждение, стимулирование, вознаграждение, правовые инструменты.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I4Y2024N51>

Ўзбекистон ўз олдига иқтисодийни самарали ривожлантириш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқаро муносабатларда ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш йўлида илдам қадам босмоқда. Бунда жамиятнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш - бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Биз бу йўлда ислохотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга солишимиз лозим. Шундагина мамлакатимиз халқимиз орзу қилган, жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон давлатга айланади”[1.–Б.3.]

Бунда жамият ҳуқуқий тизимининг барча имкониятлари, айниқса ҳуқуқнинг рағбатлантирувчи кучидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсат ва унинг мазмуни масаласи ҳуқуқшуносликнинг муҳим мавзуларидан биридир. Рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатни ёритишда умуман ҳуқуқий сиёсат тушунчасини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий сиёсат ҳодисаси сиёсат билан ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади. Уларни бирлаштириб турувчи ягона асос – бу давлат ҳокимиятидир. Ҳар қандай давлат ҳокимияти ҳуқуқ ёрдамида ёки ҳуқуқ воситасида ўз сиёсатини ифодалайди, мустаҳкамлайди ва амалга оширади.

Ҳуқуқий сиёсатнинг талқини борасида ҳуқуқшунослик адабиётларида ягона фикр шаклланган эмас. Жумладан, проф. А.В. Малько ҳуқуқий сиёсат деганда, тегишли тузилма (энг аввало давлат ва маҳаллий органларнинг) самарали ҳуқуқий тартибга солиш механизмини яратиш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ таъминлаш, интизом, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш, жамият ва шахснинг юксак ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ҳаёти даражаси каби мақсадларга эришишдаги илмий асосланган, мунтазам ва тизимли фаолиятни тушунади. Унинг фикрича, ҳуқуқий сиёсат – бу энг аввало ҳуқуқий манбани оптималлаштириш бўйича олиб бориладиган тизимли фаолият, жамият ҳуқуқий ҳаётининг муаммолари, эҳтиёжларига жавоб бера оладиган чора-тадбирлар ва хатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Ҳуқуқшуносликда «фаол ҳуқуқий сиёсат», «ҳуқуқий сиёсат тактикаси» ва «стратегияси» каби тушунчалар фарқланади. Фаол ҳуқуқий сиёсат, *биринчидан*, ҳуқуқий тизимнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш билан, уни модернизация қилиш (ҳуқуқий сиёсат тактикаси); *иккинчидан*, мамлакат ҳуқуқий тараққиётининг узоқ муддатга мўлжалланган йўналишларини белгилаш (ҳуқуқий сиёсат стратегияси)ни амалга ошириши лозим[2. –С.9-10.].

Ҳуқуқий сиёсат муайян мамлакатнинг ҳуқуқий тараққиёти жараёнларини бошқариш, ҳуқуқий турмушни ташкил этиш ва тартибга солинганлик даражасини юксалтиришга хизмат қилади. У ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий соҳадаги устувор йўналишлар тизимидан иборат бўлиб, конституция ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига таянади, асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мужассамланади. У жамият ва давлатнинг тегишли органлари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларини, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг илғор-ҳуқуқий тараққиёти ва унинг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш каби долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтиради.

Ҳуқуқий сиёсат мамлакат ва ҳудуднинг тўла қонли ҳамда самарали ҳуқуқий тизимини шакллантириш учун зарур [2. –С.10.].

Проф. З.М.Исламов ҳуқуқий сиёсат тушунчаси ва моҳияти, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий сиёсатининг мақсади ва вазифаларини ёритиб, ҳуқуқий сиёсатга қўйидагича таъриф беради: «Ҳуқуқий сиёсат ҳуқуқнинг амал қилиш соҳасида ҳамда ҳуқуқ воситасида амалга ошириладиган ғоялар, чора-тадбирлар, вазифалар, мақсадлар, услублар ва қоидалар мажмуидир. Айни чоғда ҳуқуқий сиёсат давлат сиёсатини ифодалашнинг алоҳида шакли, мамлакатнинг сиёсий йўналишини, унинг қонуний раҳбарлари ва ҳокимият тузилмаларининг хоҳиш-иродасини юридик жиҳатдан қонунийлаштириш, мустаҳкамлаб қўйиш ва амалга ошириш воситасидир. Қолаверса, ҳуқуқий сиёсат жамиятни ўзгартиришнинг қудратли воситаси ҳамдир» [3. –Б.508.].

Проф. Х.Т.Одилқориев «конституциявий-ҳуқуқий сиёсат», «қонунчилик сиёсати», «ҳуқуқий сиёсат» каби тушунчаларни бир-биридан фарқлайди. Унинг фикрича, қонунчиликни истиқболга мўлжаллаб ривожлантиришда белгиланган мақсад ва самарали натижага эришиш учун қатъий ҳуқуқий сиёсатга, унинг мустаҳкам принципларига таянилади. Ҳуқуқий сиёсат эса давлатнинг ҳуқуқий мафкураси, унинг ҳуқуқий ҳаёт бобида тутадиган йўл-йўриғи, жорий этадиган амал ва тадбирлари, қўлланадиган раҳбарий ғоялари ифодасидир. Қонунчилик сиёсати ҳуқуқий сиёсатнинг асосий таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида ҳуқуқий сиёсатнинг заминдор принциплари мустаҳкамланади. «Ҳуқуқий сиёсат – давлатнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини қарор топтириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тарбия ва маданиятнинг юксак даражасини таъминлаш йўлида юридик воситалардан оқилона фойдаланиш борасидаги мунтазам фаолиятдир» [4.–Б.3-4.].

Шундай қилиб, ҳуқуқий сиёсат умумий сиёсатнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олади. Жамиятнинг илғор ҳуқуқий тизимини шакллантириш, ҳуқуқий манбани такомиллаштириш, ҳуқуқий ҳаёт муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий асосланган, тизимли, мунтазам фаолиятдир.

Кўп қиррали ҳодиса сифатидаги ҳуқуқий сиёсатнинг мазмунини, қонунчилик стратегияси, конституциявий тузулиш, суд-ҳуқуқий ислохотлар ва уларнинг асосий йўналишлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг самарадорлиги, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва бошқалар ташкил этади.

Замонавий ҳуқуқий сиёсатнинг таҳлили унинг тараққиётида муҳим бўлган, устувор йўналишларининг бири ҳисобланган рағбатлантириш сиёсатининг босқичма-босқич шаклланиши тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Мустақиллик даврларида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни буни исботлайди: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги, солиқ кодекси, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги, давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунлар ва бошқалар. Рағбатлантириш ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус усули сифатида барча ҳужжатларда у ёки бу даражада мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий сиёсат мазкур йўналишининг жозибадорлиги ва устувор холати шу билан изоҳланади, инсон табиатига мос равишда фаолиятни рағбатлантиришни қўллаши ва шахснинг фаолияти устидан қаттиқ назоратнинг йўқлиги ташаббус ва ижодий фаолликни намоён қилишга туртки беради.

Рус тадқиқотчиси О.Киселёва рағбатлантирувчи сиёсатни тавсифловчи қўйидаги белгиларни ажратади: *биринчиси*, мазкур сиёсатнинг манбаи бўлиб давлат ҳисобланади; *иккинчиси*, мазкур сиёсатнинг намаён бўлиши, турли-туман рағбатлар сифатидаги юридик воситаларни ўзида мужассамлаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шаклида

татбиқ этилади; *учинчиси*, рағбатлантирувчи сиёсатни амалга ошириш натажасида, шахс мафаатларини қондиришга ва жамиятнинг прогрессив тараққиётига тенг кўмаклашувчи қулай ҳуқуқий режим вужудга келади[5.].

Рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатнинг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус усули сифатида давлат рағбатлантиришларини қўллаш соҳаси жуда кенгайди. Давлат рағбатлантирувчи сиёсатни ҳаётга татбиқ этиб, хулқ-атвор қоидаларини рағбатлантирувчи воситалар ёрдамида тартибга солиш алоҳида эътиборга сазоворлигини таъкидлайди, шу билан шахснинг ақлий салоҳияти, ташаббускорлиги, ижодкорлигини, тадбиркорлигини фаоллаштиради[5.].

Мазкур сиёсатнинг мақсади – иқтисодиётни юксалтириш, бозор механизмларини жорий этиш, меҳнатда манфаатдорликни яратишдир. Жамиятнинг ҳозирги ҳолатини тавсифлаб, унга хос бўлган ва рағбатлантирувчи сиёсатни амалга оширишда ҳисобга олиниши лозим бўлган бир қатор омилларни ажратиб кўрсатиши мумкин: хусусий мулкчилик анъаналари ва хусусий тадбиркорлик ташаббускорлигининг сустилиги; жамиятда боқимандалик кайфиятининг мавжудлиги; тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган қонунга бўйсунмаслик руҳининг сингдирилганлиги ва бошқалар. Рағбатлантирувчи сиёсатни самарали амалга оширишда мазкур сиёсат воситаларини ҳуқуқий мустаҳкамлашни қайта кўриб чиқиш вақти келди. Аниқ ишлаб чиқилган юридик кафолатлар шароитида рағбатлантирувчи сиёсатнинг ижтимоий аҳамияти ошади.

Рағбатлантирувчи сиёсат ҳал қилиш лозим бўлган вазифалардан бири, бу ишлаб чиқаришни ислоҳ этишдир. Шу муносабат билан янги норматив ҳужжатларни яратишда, барча мулк шакллари шу жумладан иқтисодни ривожлантиришнинг кучли рағбатлантирувчи омили сифатида чиқувчи хусусий мулкни ривожлантириш учун рағбатлантиришдан кенг фойдаланиш лозим.

Ҳуқуқшунослик адабиётларида инсонларга таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий воситалар сирасига – мажбурлаш ва рағбатлантириш киритилади. Давлатчилик шаклланган пайтданоқ ушбу икки восита жамиятни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш усули бўлиб келган. Арастунинг таъкидлашича, ахлоқий эзгулик ҳирс-эҳтирос ва қилмиш билан алоқадор экан, ихтиёрий эҳтирос ва қилмишлар учун мақтайди ёки қоралайди, ихтиёрсиз учун эса ҳамдардлик билдиради. Шунинг учун ихтиёрий ва ихтиёрсиз эзгулик фарқланади. Худди шуни қонун ижодкори ҳам мукофотлар ва жазо белгилаш йўли билан қўллаши мумкин[6.–С.95.].

Проф. А.В.Мальконинг фикрича, ҳуқуқий рағбатлантириш, бу ихтиёрий юксак хулқ-атворнинг ҳуқуқий маъқуллаш шакли ва усули бўлиб, бунинг натажасида субъект рағбатлантирилади ва унинг учун мақбул бўлган оқибат келиб чиқади[2. –С.164].

Шундай қилиб, ҳуқуқий рағбатлантириш жамият ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этиб, инсонни эзгуликка интилишига, ўз хизмат мажбуриятлари, жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этишига асосланади. Ҳуқуқий рағбатлантириш давлат ҳокимияти органлари томонидан шахс юксак ҳуқуқий хулқ-атворини тан олиш ва маъқуллаш шаклидир.

Ҳуқуқшунослик адабиётларида рағбатлантиришнинг қуйидаги белгилари ажратиб кўрсатилади:

биринчидан, рағбатлантириш субъект томонидан ўзининг мажбуриятларини ошириб бажариши ёки у томонидан умумэътироф этилган фойдали натижага эришиш билан боғлиқ ҳамда рағбатлантиришни қўллаш учун асос бўлувчи виждонан амалга ошириладиган ҳуқуқий хатти-ҳаракат сифатида тушуниладиган юксак хулқ-атвор муносабатидир;

иккинчидан, рағбатлантириш фақат ихтиёрий хатти-ҳаракат билан боғлиқ. Рағбатлантирувчи нормада жамият ва давлат учун лозим бўлган ҳаракатни амалга

оширишига, лекин ҳар бир алоҳида шахсга мажбурий бўлмаган чақириқ ётади. Шу билан бирга бундай хулқ-атворни танлаш шахсга муайян қўшимча неъматлар бериш ваъдаси билан мустаҳкамланади. Рағбатлантириш ўзининг тартибга солиш таъсирида шахсга у ёки бу ижтимоий қимматга эга бўлган хулқ-атворни қатъий белгиламайди, балки нормада мустаҳкамланган оқибатларнинг фойдалиги ҳамда жозибалиги билан мажбурловсиз таъсир кўрсатади.

Рағбатлантирувчи нормаларда ихтиёрийлик ва виждонийликка урғу берилиши, уларни жазо чораларига кўра, янада кўпроқ мослашувчи ва дипломатик ҳуқуқий воситаларга айлантиради, кўпроқ ахлоқий асосларга қурилган янада юқори даражадаги ижтимоий тартибга солиш тизимини шакллантириш соҳасида уларга кенг имконият яратади;

учинчидан, рағбатлантириш чоралари, жамият ва давлат томонидан ихтиёрий юксак хулқ-атворни мукофотлаш шакли бўлиб, ижобий хатти-ҳаракатни ҳуқуқий жиҳатдан маъқуллайди. Рағбатлантириш – маъқуллашнинг бир туридир. Ҳуқуқий рағбатлантириш учун, хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ бўлган, тегишли миқдор ва сифат тавсифлари (ўлчовлари)га эга бўлган маъқуллашнинг фақат муайян турлари – юридик маъқуллаш талаб этилади;

тўртинчидан, рағбатлантириш ҳам давлат ва жамият ва ҳам рағбатлантирилаётган субъект учун ўзаро фойдали бўлиб, турли мукофотларни уйғунлаштиради, ҳар икки томон учун мақбул бўлган оқибатлар билан қониқтиради. Бу умум (махаллий, давлат, жамият) манфаати учун фаол ва мажбурловсиз ишлаётган юридик воситалардан биридир;

бешинчидан, рағбатлантириш – қоидага кўра, ўта таъсирчан бўлган ҳуқуқий стимулдир. Масалан, мукофот нафақат инсонни зарур натижага эришишга бўлган қизиқиши орқали юқори сифатли ва унумдор меҳнатга ундайди, шу билан бирга уни (яна ижобий усуллар ёрдамида) ижтимоий хавfli ва қонунга хилоф хулқ-атвордан сақлайди;

олтинчидан, рағбатлантириш алоҳида субъектларга одатий фаолиятдан устун бўлган ижобий натижаларга эришганлиги учун ваколатли органлар томонидан индивидуал хужжатларни қабул қилишда ифодаланадиган ҳуқуқни қўллаш шаклида амалга оширилади[3.-Б.789.; 2. –С.164-166.].

Рағбатлантиришни мукофотлаш ва ишонтириш каби тушунчалар билан нисбатини аниқлаш зарур. «Мукофотлаш» икки маънода ишлатилади: мукофот ва хизмат учун ҳақ тўлаш. Мукофот рағбатлантиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мукофот ва мукофотлаш иборалари фарқланади. Унга кўра, мукофот арабча сўз бўлиб, тақдирлаш, тўлов, товон пули маъноларини англатиб, бирон-бир фаолият соҳасидаги алоҳида ютуқлар учун рағбатлантириш шакли (қимматли буюм, пул, медаль, орден ва ш.к.); кишининг ўз қилмиши, хатти-ҳаракати учун қайтган қаримта, умуман совға, тортиқ тушунилади[7. –Б.633.].

Давлат мукофоти эса фуқароларни рағбатлантиришнинг олий шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунда давлат мукофотларига таъриф берилган. Унга кўра, давлат мукофотлари фуқароларни уларнинг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, тинчлик ва барқарорликни сақлашга, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, социал, илмий, интеллектуал, маънавий салоҳиятини ҳамда муҳофаа қудратини оширишга қўшган ҳиссаси, давлат ва халқ олдидаги фаолиятнинг ижтимоий, хайрия, гуманитар соҳаларидаги ҳамда бошқа соҳалардаги хизматлари учун рағбатлантиришнинг олий шаклидир[8.].

Рағбатлантиришни хизмат учун ҳақ тўлашдан фарқи шундаки, агарда биринчиси олий даражадаги хизмат кўрсатганлиги учун қўлланса, иккинчиси муайян фойдали

ҳаракат билан боғлиқ бўлсада, лекин одатий талабларни ортиғи билан бажариш ҳисобланмайди.

Рағбатлантириш имтиёздан фарқ қилиб, баҳолаш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади ва юксак хизматларни тақдирлаш, маъқуллаш ва мукофотлашга махсус йўналтирилади. Бу унинг бош мазмунидир. Имтиёз эса ҳар доим ҳам муайян хизматлари учун белгиланмайди ва унинг тақдирлаш функцияси кўп ҳолларда компенсацион тўловлар билан биргаликда амалга оширилади. Қонун чиқарувчи орган имтиёзларга рағбатлантириш характери ато этган тақдирдагина, у шундай табиатга эга бўлади.

Бизнинг фикримизча, рағбатлантириш воситаларидан янада фаолроқ ва маълум бир мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш керак, чунки ҳозирда у мураккаб ижтимоий алоқаларни тартибга солишда энг муҳим бир восита бўлиб қолмоқда. Шубҳасиз, рағбатлантириш сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш жамият ва давлат манфаатларининг ўзаро уйғунлигини таъминлайди, шахснинг жамиятдаги мавқеининг ошишига, ўз навбатида жамият ҳамда давлат олдида турган вазифаларнинг самарали ҳал этилишига туртки беради, жамият ҳаёти соҳаларининг илдам тараққиётини таъминлайди, ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатидан янги асосда ривожланишига қўмаклашади, ҳуқуқнинг қадри сезиларли даражада ошишига ва шу орқали Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини тўлиқ шаклланишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда илмий асосланган, мунтазам ва пухта ўйланган рағбатлантирувчи ҳуқуқий сиёсатнинг амалга оширилиши жамиятни ривожлантириш, жамият ва давлат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш, жамият ҳаёти соҳаларида улкан ютуқларга эришишда беқиёс аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тизимда рағбатлантириш усулини тобора кўпроқ татбиқ этиш орқали жамиятнинг юксак тараққиётига туртки берилади.

Adabiyotlar/Literatura/ References:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2022. - 440 бет.
2. Малько А.В. Льготная и поощрительная правовая политика. –Спб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2004. –233 с.
3. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Раҳмонқулов, академик, ю.ф.д., проф., -Ҳ.Бобоев, ю.ф.д., проф. Т.: Адолат, 2007. –917 б.
4. Одилқориев Х.Т. Конституциявий-ҳуқуқий сиёсат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш // Ҳуқуқ – Право – Law. 2002. №4. 3–12-б.
5. Киселёва О. М. Поощрения как метод правового регулирования. Автореф. дисс. ... к. ю. н., Саратов, 2000. -24 с.
6. Аристотель. Никомахова этика // Сочинения: в 4-х т. Т.4/ Пер. с древнегреч.; Общ. Ред. А.И.Доватура. –М.: Мысль, 1983. –230 с.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, Тошкент, –Б.633.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2018 й., 03/18/473/1058-сон; 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон; 12.03.2020 й., 03/20/609/0287-сон, 27.05.2020 й., 03/20/620/0667-сон, 27.05.2020 й., 03/20/621/0668-сон, 10.06.2020 й., 03/20/622/0744-сон, 01.12.2020 й., 03/20/650/1576-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 16.08.2022 й., 03/22/789/0742-сон4

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 4 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).